

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

НАВРУЗОВА НИЛУФАР ОРЗИЖОНОВНА

**БАЧАДОН БЎЙНИ РАК ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ, ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА ИМКОНияТЛАРИ.**

**14.00.01– Акушерлик ва гинекология
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Наврузова Нилуфар Орзижоновна

Бачадон бўйни рак олди касалликларини эрта ташхислаш, олдини олишнинг замонавий тенденцияси ва имкониятлари.....3

Наврузова Нилуфар Орзижоновна

Современные тренды и возможности ранней диагностики и профилактики предраковых заболеваний шейки матки.....27

Navruzova Nilufar Orzjonovna

Modern trends, opportunities for early diagnosis and prevention of precancerous diseases of the cervix.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

НАВРУЗОВА НИЛУФАР ОРЗИЖОНОВНА

**БАЧАДОН БЎЙНИ РАК ОЛДИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ, ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА ИМКОНияТЛАРИ.**

**14.00.01– Акушерлик ва гинекология
14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмуни Ўзбекистон Республикасида Илмий таълим ва маданият вазирлигининг Олий аттестация комиссияси 2020.4.14.11.11.171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ихтиярова Гулчехра Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Мунинова Нигора Хайратдиновна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳамдамова Мухайёхон Тухтасиновна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Мухамедова Нурхан Халимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Н.Н. Бурденко номли Воронож давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация химияси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DS.04/30.12.2022.Тиб.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «**15**» **ноябрь** соат **14⁰⁰**даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 200007, Бухоро, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@bsmi.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ **99** рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200007, Бухоро, Ғиждувон кўчаси, 23-уй.)

Диссертация автореферати 2024 йил « **2** » **ноябрь** кунни тарқатилди.


(2024 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)




Д.Т. Холдиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Н.Ш.Ахмедова


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент


К.Ж. Болтаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда репродуктив ёшдаги аёллар орасида одам папиллома вируси (ОПВ) бачадон бўйни рак олди (ББРО) патологияси ривожланишининг асосий сабаби бўлиб, касаллик ва унинг асорати натижасидаги ўлим даражаси 75% ни ташкил қилади. Жаҳон соғлиқини сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг маълумотларига кўра, «...бачадон бўйни саратони аёллар азият чекадиган энг кенг тарқалган онкологик касалликлар орасида иккинчи ўринда туради...»¹ ва йилига 500 минг беморнинг 1 тасида бачадон бўйни саратони хасталиги аниқланади. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 100 минг аҳолига 15-25 та янги ҳолатлар қўшилиши билан тўғри келмоқда. Мазкур касаллик оқибатида ҳар йили 270 минг аёл вафот этмоқда. Бачадон бўйни рак олди касалликларининг скрининги ва профилактикаси муаммолари долзарб саналиб, бу ҳолат биокимёвий ва иммунофермент маркерларнинг таҳлилига асосланган лаборатор алгоритмларни такомиллаштиришда ўз исботини топмоқда. Эпидемиологик манбаалар маълумотлари шуни кўрсатдики, ер юзида аёллар бачадон бўйни саратони билан касалланиш ошиб бораётганлиги, бу вазиятини профилактикаси ва касалликни скрининги бугунги кунда гинекологларнинг олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон миқёсида 2050 йилга келиб, йилига бир миллионга яқин бачадон бўйни раки касаллиги билан хасталанган аёллар рўйхатга олиниши мумкин деб тахмин қилинмоқда. Ривожланган давлатларда бу хасталиқдан ўлимни кузатилиши 80% га тўғри келади. Кўпчилик давлатларда бачадон бўйни саратонининг учраш даражасини ошириш 30 ёшгача бўлган аёлларда ҳам кузатилмоқда. Ушбу касалланиш кўрсаткичи аёллар орасида 65-69 ёшгача қайд этилиб, 100000 нафар аёлга 68,7 ҳолатни ташкил этади. 20-25% ҳолатда касаллик репродуктив ёшда, 5% ида 40 ёшгача бўлган аёллар ташхисланади. Турли вируслар билан боғлиқ бўлган бачадон бўйни хавфсиз ўсмаларини даволаш усулини танлаш муаммосининг долзарблиги нафақат репродуктив ёшдаги аёллар орасида гинекологик касалликлар структурасида кўп учраши, балки, ушбу патология репродуктив функцияни амалга ошириш имкониятини пасайишига олиб келиши билан ҳам боғлиқ.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланиши, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш бугунги кунда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Аёлларда рак касаллигини юзага келтирувчи хавф омилларини аниқлаш, замонавий клиник-лаборатор ва инструментал текширишлар ёрдамида эрта ташхислаш ўтказилишига қарамасдан, охириги ўн йилликда бачадон бўйни раки билан касалланиш ҳолати 12%га кўпайганлиги аниқланди. Турли юқумли ва ОПВ касалликларини бирламчи бўғин даражасида аниқлаш ва профилактикасини амалга ошириш учун скрининг марказлари филиалларини ташкиллаштириш ва репродуктив ёшдаги

¹ Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг ҳисоботи, 2022. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/cervical-cancer>

аёлларни оммавий барвақт скринингини ўтказишни даврий равишда амалга ошириш зарурлигини тақоза этмоқда.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хусусан, аёлларда бачадон бўйни касаллигини эрта аниқлаш, профилактика усуллари тақомиллаштиришда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кўрсатилаётган даволаш ва профилактик ёрдамни яхшилаш учун бачадон бўйни саратони скринингини оптималлаштириш бўйича далилларга асосланган натижалар талаб қилинади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, бачадон бўйни саратонини эрта ташхислаш ва прогнозлашга янги инновацион ёндашув орқали даволаш ва профилактика натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика тадбирлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, 25.04.2022 йилдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисидаги» Қарори, 27.05.2022 йилдаги ПҚ-5130-сонли «Аҳолига гематологик ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган вазифалар ҳал этилишида маълум даражада хизмат қилади .

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ББРО касаллигини олдини олиш услубларини оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бачадон бўйни (ББ), фертил ёшдаги аёлларда қин ва вульванинг патологияси бўйича ягона терминология ва умумлаштирувчи таснифи масаласи ҳозирга қадар ҳалқаро тиббиёт ҳамжамияти томонидан ҳал этилмаган. Бачадон бўйнининг хавфсиз касалликлари муаммосининг муҳимлиги унинг “ёшариши” билан оғирлашади (Гумилевский Б.Ю. 2019).

Замонавий тадқиқотлар бачадон бўйни кўп қаватли ясси эпителийсига (КҚЯЭ) шиллиқ қаватида атипик ҳужайралар пайдо бўлиши учун юқори онкоген турдаги ОПВ ни шубҳасиз этиопатогенетик хавф омилли эканлигини тақидламоқда (Савелева Г. М., 2017). ОПВни персистенцияси бачадон бўйни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

КҚЯЭ малигнизациясида генетик ёки турмуш тарзи омиллари муҳим рол ўйнаши мумкин. Дисплазиянинг шаклланиши ва ривожланиши нафақат ОПВ билан, балки метаболик касалликлар билан ҳам боғлиқ, хусусан, фолат циклининг бузилиши бунга мисолдир (Жирова Н. В., 2017).

Тадқиқотларнинг кўпчилиги ОПВнинг бачадон бўйнининг саратон олди патологик жараёнларнинг ҳамда саратон ривожлантириши ва прогрессиясидаги ролини ўрганишга бағишланган (Roik E.E. 2019; Зуева Т.П., 2021).

Мамлакатимиз олимлари аёллар орасида бачадон бўйни раки ва рак олди касалликларини ташхислаш муаммоларни ўрганиш хусусан, Рахманова Ж.А. (2019) маълумотларига кўра, дунёда бачадон бўйни касалланиш кўрсаткичлари 100 000 аёлнинг 7,6 нафарига тўғри келади. Энг паст нисбат 2011 йилда қайд этилган – 100 000 аёлнинг 5,4 нафарига, энг юқори кўрсаткич эса 2009 ва 2018 йилларда 100 000 аёлнинг 8,5 нафарига тўғри келгани қайд этилган. Бачадон бўйни патологиясини ўз вақтида аниқлаш ва бачадон бўйни патологиялари юзага келишида барча ёшдаги аёлларда хавф омилларини пасайтириш заруратини тасдиқлайди. Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси (CIN) патогенези, папилломовирус инфекциясининг ўрни, ўзбек аёллари популяциясида бачадон бўйни хавфсиз ўсмалари ва саратон олди касалликлари скринингига бағишланган маҳаллий олимлар тадқиқотлари ўрганилган муаммодан четда қолмади (Каттаходжаева М.Х., 2020; Каландарова А.И., 2021; Солиева Р.Б., 2022; Мамадалиева Г.И., 2022; Каршиева Э.Э., 2023). Аёлларда турли акушерлик ва гинекологик патологияларни самарали ташхислаш борасида қатор бажарилган ишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилган бироқ, аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини диагностика тадбирлари патогенетик жиҳатдан асосланмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур муаммо бўйича кўп сонли илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, адабиётларда аёлларда бачадон бўйни хавфсиз касалликларининг скрининги, уларни эрта ташхислаш баённомалари мавжуд эмас. Юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар, бачадон бўйни патологияси ривожланишининг юқори частотаси, касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятлари, мазкур муаммони батафсил ўрганилишини талаб этади ҳамда ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазиясини эрта ташхислашда клинко-анамнестик, инструментал, иммуно-биокимёвий маркерларни қиёсий ташхислаш ва профилактик усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли ёшдаги аёлларнинг бачадон бўйни касалликларини клиник-анамнестик тарқалганлик даражасини баҳолаш (ретроспектив гуруҳ);

ОПВ таҳлили мусбат ва манфий бўлган юқори хавфи мавжуд цервикал интраэпителиал неоплазияси (CIN) билан хасталанган аёлларда гинекологик, соматик статуси ва қин дисбиозини ўзаро солиштирма таҳлили;

бачадон бўйнининг юқори хавфи мавжуд касалликлари билан хасталанган аёлларда биокимёвий, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларни ROC таҳлили ёрдамида спецификлиги ва сезгирлигини аниқлаш ҳамда клиника-биокимёвий, инструментал ва иммунологик маркёрларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини баҳолаш;

тадқиқот натижалари асосида бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси хавфи булган аёлларни ташхислаш ва эрта олдини олиш маршрутизациялаш алгоритминини олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали ҳамда Бухоро шаҳар стандарт диагностикасидан 2019 - 2022 йиллар давомида 131 нафар бачадон бўйни ясси хужайраларнинг цервикал интраэпителиал неоплазиялари бўлган аёллар ва 26 нафар амалий соғлом аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети илмий тадқиқотлар асосида бачадон бўйни патологиясини ташхисини асослашда бемор ва амалий соғлом аёллардан қон зардоби, қин ва бачадон бўйнидан суртма материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида умумклиник, рН-метрия, цитологик(ПАП-тест), кольпоскопик, биокимёвий (гомоцистеин), полимераз занжирли реакция (одам папилломаси вирусининг (ОПВ) онкотиплари, фемофлор-16), ИФТ(TORCH) «CIN-DIAG» сифатли экспресс-тести, иммунологик (IL-4, IL-6, IL-10, TNF- α) ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

CIN ва ОПВ мусбат бўлган кўплаб аёлларнинг анамнезида бола ташлаш, ҳомила нуқсонлари, ошқозон ичак тракти касалликлари учраши, қин микробиоценозда ўртача анаэроб дисбиоз шаклида патоген бўлмаган микроорганизмлар *Lactobacillus spp.* камайиши ва шартли патоген микрофлоранинг *Atopobium vaginae*, *Megasphaera spp.* ва уреоплазма, микоплазма кўпайиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

ОПВ мусбат бўлган цервикал неоплазиялари генитал герпес ва облигат анаэробларнинг ошиши HSIL нинг LSIL га нисбатан қинда оғир дисбиотик жараёнларнинг ривожланиши билан кечиши исботланган;

ROC таҳлил асосида башоратловчи маркерлар (гипергомоцистеинемия, IL-4, IL-6, IL-10, TNF- α ошиши)нинг ўзига хослиги, сезгирлиги ва ўзаро корреляцион боғлиқлиги, CIN эрта ташхислаш режасини танлашдаги ўзига хос башоратлаш усули исботланган;

ўтказилган тадқиқотлар асосида клиник, иммунологик ва лаборатор кўрсакичлар маълумотларига асосланиб бачадон бўйни рак олди касалликларини эрта хавфини башоратлаш шкаласи, профилактикаси ва

қадамма-қадам ташхислаш алгоритми оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

бачадон бўйни саратон олди касалликлари бўлган аёлларда аниқ ташхис кўйиш ва атипик кўринишни аниқлаш учун кольпоскопия, цитологик ва гистологик текшируви комплекс равишда ўтказилиши лозимлиги кўрсатилган;

оммавий скрининг жараёнида бирламчи ташхислашда самарадорлигини баҳолаш мақсадида бачадон бўйни ясси хужайрали интраэпителиал дисплазияни ташхислашнинг анъанавий услублари билан комплексда «CIN-DIAG» сифатли экспресс-тестини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги асосланган;

касаллик узоқ вақт давом этганда организмнинг иммун-цитокин тизими ҳолатини текшириш зарурлиги белгиланган;

хавф омилларининг бачадон бўйни ясси хужайрали интраэпителиал бузилиши даражасига таъсир кучи баҳоланган ва мазкур патология юзага келишига уларнинг таъсирини камайтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аёлларни ўз вақтида ташхислаш ҳамда олиб бориш алгоритмининг ЭХМ-дастурлари касалликни ташхислашнинг янги ёндашувлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник, цитологик, кольпоскопик, биокимёвий, ПЗР, экспресс-тести «CIN-DIAG» ва иммунологик усуллар билан тасдиқланган ҳамда беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан тасдиқланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аёлларда бачадон бўйни касалликларини бирламчи ташхислашда самарадорлигини баҳолаш мақсадида цитологик усул, кенгайтирилган кольпоскопия, қин микрофлораси, биокимёвий ва цитокин тизимидаги бузилишларни самарали ташхислаш билан биргаликда бачадон бўйни ясси хужайрали интраэпителиал дисплазиясини сезувчанлиги ва ўзига хослиги ўрганилган, клиник-анамнестик ва лаборатор тадқиқотлар натижасида энг кўп учрайдиган ва таъсир кучига эга бўлган хавф омиллари аниқланган ва таҳлил қилинганлиги, хавф омилларининг бачадон бўйни ясси хужайрали интраэпителиал дисплазияси даражасига таъсири этиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, бачадон бўйни ясси хужайрали интраэпителиал зарарланишини ташхислаш услубининг жорий этилиши, бачадон бўйни ясси хужайрали интраэпителиал дисплазияси бўлган беморларда ташхислашни тезкор амалга оширилиши ва самарадорлиги, иқтисодий ҳаражатларни камайтиришга имкон яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши:

Аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини ташхислашни

такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бачадон бўйни рак олди касалликлари дифференциал диагностикасини такомиллаштириш усули» мавзусидаги илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/75-сон хулосаси олинган.

Микробиологик кўрсаткичлар асосида бачадон бўйни рак олди касалликлари билан хасталанган аёлларнинг қин микробиотасини чуқур бузилишларини эрта аниқлаш ва диагноз қўйиш бачадон бўйни рак касалигининг камайишига асос бўлади. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: қин микробиотасини чуқур бузилишларини эрта аниқлаш амалга оширилган тақдирда ушбу касаллик билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни камайтиришга эришилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги 1 нафар бемор ҳисобига 333000 сўм маблағ иқтисод қилинган. Хулоса: бачадон бўйни рак олди касалликлари билан хасталанган аёлларнинг қин микробиотасини чуқур бузилишларини эрта аниқлаш муҳим аҳамият касб этди.

Бачадон бўйни рак олди касалликларини эрта диагностика тадбирларни патогенетик асослаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси ва Бухоро туман тиббиёт мажмуасининг клиник амалиётига жорий этилган. Ушбу илмий изланиш аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини ривожланиш хавф омилларини эрта аниқлаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган. Тадбиқ натижалари аёлларда бачадон бўйни рак олди касалликларини эрта ташхислаш ва профилактик усулларини ишлаб чиқиш, кейинчалик ривожланиш эҳтимоллиги бўлган бачадон бўйни рак касалликларини ривожланишининг олдини олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 5 та жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация

тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни рак олди касалликларининг муаммосига замонавий қарашлар (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган ҳамда бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг патогенези, тарқалиши, этиологияси унинг ривожланиши, ташхислаш омилларнинг аҳамиятига оид замонавий илмий тадқиқотлар атрофлича таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларда материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобда ишни бажаришда қўлланилган умумклиник, рН-метрия, кольпоскопик, цитологик (ПАП-тест), биокимёвий (гомоцистеин) полимераз занжирли реакция (одам папиломаси вирусининг онкотиплари, фемофлор-16), «CIN-DIAG» сифатли экспресс-тести, иммунологик ва статистик каби тадқиқот усуллари баён этилган.

Беморлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги баённомаси (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимида тиббиёт муассасаларида гинекологик касалликларни ташхислаш ва даволаш стандартлари ССВ ЎзР, 2017 йил) асосида бажарилган.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилган. Ишнинг биринчи босқичида, бачадон бўйни рак касалликларини ривожланишининг хавф омилли сифати бачадон бўйни рак олди касалликларининг ҳаёт учун хавфли асоратларига олиб келиши мумкин бўлган аҳамиятини аниқлаш мақсадида ретроспектив тадқиқот ўтказилган.

Ишнинг иккинчи босқичи 2019 йилдан 2022 йилгача проспектив тадқиқот усули орқали 131 нафар аёллар текширилган ва улар 3 гуруҳга бўлинган: биринчи асосий гуруҳ аёлларга ОПВ – бўлган 37 нафар LSIL билан хасталанган аёллар, иккинчи асосий гуруҳда ОПВ + бўлган 41 нафар LSIL билан хасталанган аёллар ва учинчи асосий гуруҳда ОПВ + 53 нафар HSIL билан хасталанган аёллар текширилган.

Назорат гуруҳи 26 нафар нисбатан соғлом аёллардан ташкил топган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари репродуктив ёш, бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси (КҚЯЭ) енгил, ўртача ва оғир дисплазиясининг гистологик хулосаси бўлган беморлар бўлди.

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари қуйидагилар эди: жинсий ҳаётнинг 3 йилдан камлиги, ҳомиладорлик, лактация, туғруқдан кейинги давр, менопауза, орал ва менопаузал гормонал даволаш олаётган аёллар.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш тақсимот нормаллигининг бир қатор маълумотларини текширгандан сўнг, Microsoft Excel 2010 дастурда вариацион статистиканинг умумий қабул қилинган усуллари бўйича амалга оширилган. Ўртача ($M \pm m$) ни ўртача арифметик ва стандарт хатони ҳисоблаш орқали катталикларнинг нормал тақсимотга эга бўлган миқдорий тавсифи амалга оширилган. Ўртача қийматларни қийслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланган. Ишончлилиқ даражаси

$p < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Хато хавфини минимизацияси учун логистик регрессия, регрессион коэффицентлар, имкониятлар муносабати ва ҳар бир кўрсаткич бўйича имкониятлар муносабати учун 95% ли ишончли оралиқ кўрсаткич қўлланилган.

Диссертациянинг «Бачадон бўйни рак олди касалликлар лаборатор ва инструментал тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган беморлар контингентининг клиник текширув натижалари, ўрганилган омилларнинг CIN ривожланиш хавфига таъсири баҳоланган.

Ёш жиҳатдан ретроспектив гуруҳдаги аёлларнинг энг катта улушини 26 ёшдан 30 ёшгача бўлган аёллар ташкил қилиб, улар 53 нафарни яъни 31,2%ини ташкил этган. Назорат гуруҳида 10 нафар (38,5%) 36 ёш ва ундан юқори бўлган амалий соғлом аёлларда учраган. LSIL ОПВ манфий бўлган аёллар гуруҳида асосий қисми 26-30 ёшгача бўлган 8 нафар (42,1%) аёллар ташкил қилган. Текширилаётган барча беморларни ўртача ёши LSIL ОПВ манфий бўлган аёллар гуруҳида $27,98 \pm 0,98$ ёш, LSIL ОПВ мусбат бўлган аёллар гуруҳида $35 \pm 1,21$ ёш, HSIL бўлган аёллар гуруҳида $37,72 \pm 1,9$ ёш ва $33,2 \pm 1,5$ ёшда бўлган аёллар назорат гуруҳини ташкил қилган.

Турли ёшдаги аёлларнинг бачадон бўйни касалликлари тарқалганлиги даражасини баҳоланганда 170 нафар аёлда (ретроспектив гуруҳ) бачадон бўйни касалликлари билан хасталанган аёлларнинг 31,2 % ини 26-30 ва 26,5% ини 36 ёш ва ундан юқори ёшни ташкил қилган. Бачадон бўйни касалликларини таҳлил қилинганда энг катта фоизини 27,6% цервицитлар 26-30 ёшда ташкил қилган. Амбулатор карталарни ўрганишлар натижасида эктопиялар учраши ретроспектив гуруҳдаги 36 ёш ва ундан юқори бўлган аёлларда 24,4% ини ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ретроспектив гуруҳдаги аёлларда бачадон бўйни касалликларнинг учраш даражаси, %

№	Бачадон бўйни касалликлари	Ёши				
		≤20	21-25	26-30	31-35	≥36
1	Цервицитлар	11,2	11,6	27,6	18,9	17,5
2	Эндометриоз	12,2	4,9	7,3	4,9	12,2
3	Бачадон бўйни полипи	11,3	5,4	8,1	5,4	12,2
4	Эритроплакия	8,1	3,8	11,3	5,7	18,9
5	Бачадон бўйни чандикли ўзгаришлари	19,2	7,7	7,7	11,5	12,2
6	Бачадон бўйни кисталари	5,4	2,9	11,2	4,5	9,4
7	Герпетик тошмалар	4,9	4,9	7,3	4,9	12,2
8	Лейкоплакия	4,8	5,4	8,1	5,4	26,9
9	Эктопиялар	7,7	8,1	11,3	19,2	24,4
10	Бачадон бўйни раки	4,9	7,7	5,4	8,1	11,2

Текширилаётган аёлларда ҳайз кўриш функцияси таҳлил қилинганда менархе ёши 11 ёшгача бўлган аёллар назорат гуруҳида 1 нафар (3,8%), LSIL ОПВ- гуруҳида 2 нафар (5,4%), LSIL ОПВ+ гуруҳида 3 нафар (7,3%) ва HSIL гуруҳида 2 нафар (3,8%) қайд этилди. Менархнинг 12-14 ёшдан бошланиши LSIL ОПВ- гуруҳида 26 нафар (70,3%), назорат гуруҳига қараганда анча паст. 12-14 ёшда ҳайз циклининг бошланиши LSIL ОПВ+ гуруҳида 34 нафар (83%) ва HSIL гуруҳида 45 нафар (85%) қайд этилган, бу назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ йўқ. Ҳайз циклининг 15 ёшдан ошган LSIL ОПВ- гуруҳ беморлари 9 нафар (24,3%) ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги аёлларга қараганда нисбатан анча юқори. Ушбу менархе ёшдаги LSIL ОПВ+ гуруҳида 4 нафар аёлларда (9,7%) ва HSIL гуруҳида 6 нафар (11,3%) аёлларда қайд этилди, аммо турли даражадаги CIN билан хасталанган гуруҳлараро статистик аҳамиятга эга эмас.

Сўровда иштирок этган аёлларнинг LSIL ОПВ+ гуруҳида 53,7%, LSIL ОПВ- 51,4% ни ва HSIL 52,8 % да 19 ёш ва ундан олдин турмуш қуришган ва назорат гуруҳига нисбатан ишончли эканлигини кўрсатган ($p < 0,01$).

2-жадвалда кўрсатилганидек, дисплазия бор беморларда акушерлик ва гинекологик анамнези сезиларли даражада оғирлашган. Шу жумладан, ўз-ўзидан ҳомила тушиши, ривожланмаган ҳомила ва учдан ортик ҳомиладорликлар сони ОПВ мусбат бўлган аёлларда назорат гуруҳига нисбатан статистик ишончли эканлигини кўрсатган ($p < 0,05$) тадқиқот қилинаётган гуруҳларда кузатилган.

2-жадвал

Акушерлик ва гинекологик анамнез

№	Сони		Асосий гуруҳ						Назорат гуруҳ	
			LSIL ОПВ-		LSIL ОПВ+		HSIL n=53		абс	%
			абс	%	абс	%	абс	%		
1	Ҳомиладорлик сони	1-2	18	48,6	17	41,4	22	41,5	18	73,1
		≥3	19	51,4	24	58,5	31	58,5	7	26,9
2	Кесарча кесиш операцияси		5	13,5	6	14,6	7	13,2	3	11,5
3	Ҳомилани ўз ўзидан тушиши		14	37,8	20	48,7	27	50,9	2	7,7
4	Ривожланмаган ҳомиладорлик (ҳомила она қорнидаги нуқсонлар)		15	40,5	21	51,2	28	52,8	1	3,8
5	Бачадондан ташқари ҳомиладорлик		1	2,7	1	2,4	2	3,8	0	0
6	Аборт	1-2	4	10,8	9	21,9	11	20,7	2	7,7
		≥3	8	21,6	16	39	20	37,7	2	7,7

Машхур ва кенг қўлланилган контрацепция усуллари орасида бачадон ичи контрацептивлари (БИВ) ишлатилган.

Текширилган аёлларнинг соматик статуси таҳлили асосий гуруҳ аёлларида кўпроқ оғирлашишни кўрсатди. Соматик касалликлар орасида

ОПВ мусбат бўлган беморларда назорат гуруҳи билан таққослаганда ошқозон ичак тракти касалликлари тахминана ҳар иккита аёлнинг биттасида аниқланган.

Бачадон бўйни эктопияси, лейкоплакияси ва дисплазияси ташхиси анамнез йиғилгандан сўнг, характерли клиник кўриниш асосида, лаборатор-инструментал текширув усуллари – цитология, кольпоскопия асосида кўйилган.

Цитологик текширувлар 131 нафар бачадон бўйни саратон олди касалликлари бўлган аёлларда ўтказилган. Текширилганлар орасида CIN I – 78 (59,5%), CIN II – 32 (24,4%) ва CIN III– 21 (16%) беморда аниқланган.

Кенгайтирилган кольпоскопия барча беморларда ўтказилган, бачадон бўйни шикастланишининг локализациясини ва тарқалганини, бошқа кольпоскопик белгиларнинг даражаси (ацето-оқ эпителийнинг мавжудлиги ва унинг даражаси, мозаиканинг мавжудлиги ёки пунктация мавжудлиги, Люголь эритмаси билан бўялиш даражаси ва йоднинг манфий жойлари мавжудлиги) баҳоланган.

Бачадон бўйни LSIL ва HSIL бўлган гуруҳларда ушбу тадқиқотни ўтказишда 119 (90,8%) беморда аномал кольпоскопик кўриниши аниқланган. Беморларнинг 4 гуруҳидаги кольпоскопик расмнинг батафсил таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тадқиқот қилинаётган аёлларнинг кольпоскопик таҳлил натижалари


№	Кольпоскопик расм	LSIL ОПВ	LSIL ОПВ	HSIL	Назорат гуруҳи
		-	+		
1	Ацето-оқ эпителий юпка (АОЭ)	18(48,6%)	25(60,9%)	38(71,6%)	1(3,8%)
2	Ацето-оқ эпителий зич	16(43,2%)	18(43,9%)	25(47,1%)	0(0%)
3	Атипик томирлар	3(8,1%)	4(9,7%)	11(20,7%)	0(0%)
4	Мозаика юмшоқ	10(27%)	14(34,1%)	19(35,8%)	0(0%)
5	Мозаика ғовак	4(10,8%)	6(14,6%)	9(17%)	0(0%)
6	Пунктация юмшоқ	3(8,1%)	4(9,7%)	8(15,1%)	0(0%)
7	Пунктация ғовак	2(5,4%)	3(7,3%)	7(13,2%)	0(0%)
8	Очиқ безлар	8(21,6%)	10(24,3%)	16(30,2%)	1(3,8%)
9	Аниқ белгиларга эга томирлар	8(21,6%)	10(24,3%)	19(35,8%)	0(0%)
10	Эктопия	8(21,6%)	12(29,2%)	19(35,8%)	0(0%)
11	Эктропион	2(5,4%)	3(7,3%)	6(11,3%)	0(0%)
12	Жинсий лабларнинг ўткир учли кондилomalари	4(10,8%)	5(12,2%)	9(17%)	0(0%)
13	Қиннинг ўткир учли кондилomalари	2(5,4%)	3(7,3%)	6(11,3%)	0(0%)
14	Бачадон буйининг ўткир учли кондилomalари	1(2,7%)	2(4,9%)	5(9,4%)	0(0%)
15	Йоднегатив соҳа	20(54,1%)	22(53,6%)	32(60,4%)	0(0%)
16	Аномал эпителийнинг аниқ чегаралари	21(56,7%)	25(60,9%)	41(77,4%)	0(0%)

Кольпоскопик расмни батафсил таҳлил қилишда (3-жадвал), цервикал эпителиядаги ўзгаришлар 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда сезиларли даражада кўп учрашини кўрсатди. 1-гуруҳда 18 (48,6%) беморда, 2-гуруҳда 25 (60,9%) ва 3-гуруҳда 38 (71,6%) беморда юпқа АОЭ аниқланган. Таққослаш гуруҳида 1 (3,8%) беморда юпқа АОЭ аниқланган. 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда 4-гуруҳга нисбатан мозаик ва пунктуация белгилари билан зич АОЭ ва юпқа АОЭ сезиларли даражада кўп аниқланган. Атипик томирлар, аниқ чегаралари бўлган ёд-негатив соҳалар 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда ҳам кўпроқ аниқланган.

2-гуруҳдаги мозаика ва пунктуация билан АОЭ бўлса, ОПВ 16 (43,9%), 31,33 ва 52 (14,6%), 18 (35,1%), қолган онкоген типлари 4,9% дан кам миқдорда, 3-гуруҳдаги беморларда ОПВ 16 (52,8%), 18 (37,7%), 52 (11,7%), 33 (5,9%), қолганлари 5,9% дан кам миқдорда бўлган. Бачадон бўйни эпителиясидаги сезиларли ва енгил ўзгаришлар билан ОПВ нинг юқори юқори онкогенли генотиплари кўпроқ учраган (16, 31, 33, 52).

Шундай қилиб, ОПВ билан боғлиқ касалликларни эрта аниқлаш (скрининг) ва илмий асосланган диагностика усулларидадан фойдаланган ҳолда беморларни бошқаришга оқилона ёндашиш саратон касалликларининг олдини олишга имкон беради. Тадқиқот натижасида бачадон бўйни эпителиясидаги кольпоскопик ўзгаришларнинг оғирлик даражаси (АОЭ, мозаик ва пунктуация) LSIL ва HSILдаги цитологик ўзгаришлар билан сезиларли даражада боғлиқлиги аниқланган. Бачадон бўйни оғир ясси ҳужайралари интраэпителиал шикастланишлари (HSIL) бўлган беморларда ғовак мозаика / пунктуация каби белгилар сезиларли даражада кўп учраган. Шунингдек, аниқ кольпоскопик ўзгаришлар билан юқори онкоген ОПВ генотиплари сезиларли даражада кўп аниқланган. Мозаик, пунктуацияли АОЭ каби кольпоскопик белгилар мавжудлигида ОПВ генотиби 16 ва 18 устунлик қилган.

Юқоридаги кольпоскопик белгилар асосида бачадон бўйни рак олди касалликлари Швед шкаласи билан баҳоланган (1-расм).



Изоҳ:
* ББ рак олди касалликлари гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилик даражаси.


1-расм. Цервикал интерэпителиал неоплазиянинг турли оғирлик даражасидаги беморларда кольпоскопик Швед шкаласи натижалари.

Бачадон бўйни кольпоскопик ўзгаришларининг клиник кўриниши клиник ташхисланган визуал ўзгаришлардан патологик жараён намоён бўлмаслигига ўзгариб туради. Кенгайган кольпоскопия неоплазия оғирлиги ва кольпоскопик ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида намоён бўлади.

Меъёрий кольпоскопик кўриниш фақат назорат гуруҳида қайд этилган. CIN кузатилган барча беморларда кольпоскопик кўриниш бузилиши ҳар хил оғирликда эканлиги аниқланган.

Шундай қилиб, текширув натижалари шуни тақазо этдики, бачадон бўйни рак олди касалликларида кенгайтирилган кольпоскопия ўтказилганда атипик кольпоскопик кўрсаткичлар – мозаика ва пунктация ва атипик томиларни аниқлаш даражаси кўпайишини кўрсатувчи кўринишларда сезиларли ўзгаришлар кузатилади, ва бу кўпроқ ОПВ билан ассоциацияланган бачадон бўйни касалликлари бўлган аёлларда яққол кўринади.

Асосий гуруҳдаги аёлларда ОПВ нинг юқори ва паст концентрогенлиги натижаларини таҳлил қилганимизда юқори концентрогенлик тип LSIL га нисбатан HSIL да юқори чиқди (2-расм).



2-расм. Асосий гуруҳдаги аёлларда ОПВ нинг юқори ва паст концентрогенлиги натижалари, %

Қин микробиоценознинг тузилишини таҳлил қилганда, бачадон бўйни эпителияси ва ОПВ инфекциясига қараб текширилган аёллар гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар аниқланган. Клиник жиҳатдан соғлом аёлларнинг 95,5 фоизиди (4-гуруҳ) вагинал микробиот ҳолати, ПЦР-РВ бўйича, нормоценоз мезонларига жавоб берган; шу жумладан, 18 (69,2%) беморда мутлақ нормоценоз, 7 (26,9%) беморларда *Ureaplasma spp.* кўп ва *Candida spp.* мавжуд бўлган шартли нормоценоз аниқланган.

LSIL, ОПВ-манфий нормоценоз назорат гуруҳига қараганда статистик жиҳатдан кам фарқ қилган: микробиот ҳолати мутлақ нормоценоз ҳолатларига 14 та (37,8%) ва шартли нормоценоз - 31 та (29,7%) текширилган беморларга мос келган. 12 (32,4%) беморда микробиоценоз ҳолати дисбиоз ҳолати ҳам учради, шу жумладан ўртача дисбиоз – 10,8 %, оғир дисбиоз- 21,6


%. LSIL, ОПВ-мусбат микробиот таркиби мутлоқ нормоценоз мезонларининг кўрсаткичлардан унчалик фарқ қилмаган, 15 та (36,6%), шартли нормоценоз – 12 та (26,3%) текширилган беморларга мос келган. 14 (34,2%) беморларда микробиоценоз ҳолати дисбиоз мезонларига мос келган, шу жумладан ўртача дисбиоз – 9,8 %, оғир дисбиоз – 24,4%. LSIL, ОПВ-мусбат беморларда кин микробиоценознинг тузилиши 1-гурух кўрсаткичлардан сезиларли даражада фарқ қилмаган. HSIL беморлари орасида фақат ҳар 4 чи беморда нормоценоз аниқланган, шу жумладан мутлақ нормоценоз – 5 та (9,4%), шартли – 8та (15,1%) текширилган беморларда аниқланган. HSIL билан касалланган аёлларнинг кўпчилигида вагинал микробиотнинг ҳолати дисбиоз мезонларига жавоб берган. 3-гурухдаги беморларда дисбиозни аниқлаш частотаси шартли соғлом аёлларга (4-гурух), шунингдек, LSIL (1 ва 2-гурухлардаги) билан оғриган беморларга қараганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

Бачадон бўйни касалликлари билан оғриган беморларда ва клиник жиҳатдан соғлом аёлларда кин микробиоценознинг тузилиши

№	Биоценознинг тури	1 гуруҳ LSIL ОПВ-	2 гуруҳ LSIL ОПВ+	3 гуруҳ HSIL	4 гуруҳ Назорат гурухи
1	Мутлоқ нормоценоз	14(37,8)	15(36,6)	5(9,4)	18(69,2)
2	Шартли нормоценоз	311(29,7)	12(26,3)	8(15,1)	7(26,9)
3	Ўртача дисбиоз	4(10,8)	4(9,8)	11(20,8)	1(3,8)
4	Оғир дисбиоз	8(21,6)	10(24,4)	29(54,7)	0(0)

Диссертациянинг «Бачадон бўйни рак олди касаллигининг ривожланишини скрининги ва хавф омилларини эрта прогнозлаш» деб номланган тўртинчи бобида ББРОК бўлган аёлларнинг проспектив таҳлил натижалари ўрганилган.



Изоҳ:

* ББ рак олди касалликлари гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилик даражаси.

3-расм. Гомоцистеин микдорини солиштира ташҳисоти.

Гомоцистеиннинг аёллар организмида фолий кислота фаолиятини бошқарувчи биомаркер ҳисобланиб, референс қийматлари 5,6-13,56 мкмоль/л оралиғида ўзгарди, соғлом аёлларда эса бу ташхис белгиси ўртача $10,2 \pm 0,46$ ни ташкил қилган. Гомоцистеин миқдори LSIL ОПВ- бўлган аёллар гуруҳида ўртача қиймати $17,32 \pm 0,43$ мкмоль/л, LSIL ОПВ+ бўлган аёллар гуруҳида ўртача қиймати $19,8 \pm 0,47$ мкмоль/л ва HSIL бўлган аёллар гуруҳида ўртача қиймати $20,6 \pm 0,36$ мкмоль/л ни ташкил этган ($p \leq 0,001$) (3-расм).

Бачадон бўйни рақ олди хасталигининг яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларини ўрганиш натижалари 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал.

Текшириш гуруҳидаги аёлларда цитокинлар миқдори

№	Кўрсаткичлар M±m, пг/мл	Назорат гуруҳи	LSIL ОПВ-	LSIL ОПВ+	HSIL
1	IL-10	$13,2 \pm 0,2$	$15,7 \pm 0,36^{**}$	$26,1 \pm 0,33^{***}$	$31,5 \pm 0,71^{***}$
2	IL-4	$12,8 \pm 0,13$	$13,1 \pm 0,33^{\wedge}$	$21,4 \pm 0,39^{***}$	$26,1 \pm 0,32^{***}$
3	IL-6	$2,5 \pm 0,06$	$2,3 \pm 0,18^{\wedge}$	$2,3 \pm 0,12^{\wedge}$	$3,02 \pm 0,2^{**}$
4	TNF- α	$6,3 \pm 0,12$	$6,9 \pm 0,25^{*}$	$7,4 \pm 0,17^{**}$	$8,2 \pm 0,14^{**}$

Изоҳ: \wedge - $p > 0,05$; * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$; *** - $p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги беморларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги

5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, IL-10 концентрацияси назорат гуруҳидаги аёлларда ўртача концентрацияси $13,2 \pm 0,2$ пг/мл ни ташкил этган. IL-10 концентрацияси назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан ўртача концентрацияси LSIL ОПВ+ бўлган гуруҳда тахминан 2 баравар, HSIL бўлган гуруҳда 2,4 баравар ошганлиги аниқланган ($p < 0,001$).


Бачадон бўйни рақ олди касаллиги билан хасталанган аёлларда IL-4 ўртача миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига LSIL ОПВ- бўлган аёллар гуруҳида статистикада аҳамиятли ўзгариш аниқланмаган ($p > 0,05$), LSIL ОПВ+ бўлган гуруҳда тахминан 1,7 баравар, HSIL бўлган гуруҳда 2 баравар ошганлиги аниқланган ($p < 0,001$).

Ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатдики, IL-6 нинг қондаги концентрацияси LSIL ОПВ- ва LSIL ОПВ+ гуруҳлардаги аёлларда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ўзгариш аниқланмади ($p > 0,05$), HSIL бўлган гуруҳда 1,2 баравар ошганлиги аниқланган ($p < 0,01$).


Ўсма некроз омили (TNF- α) LSIL ОПВ- бўлган аёллар гуруҳида ўртача концентрацияси $6,3 \pm 0,12$ пг/мл ни ташкил этган. TNF- α концентрацияси назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан ўртача концентрацияси LSIL ОПВ+ бўлган гуруҳда тахминан 1,2 баравар ($p < 0,01$), HSIL бўлган гуруҳда 1,3 баравар ошганлиги аниқланган ($p < 0,001$).

Гомоцистеин ва цитокинлар миқдори ББРОК ривожланишининг башоратчиси сифатида фойдаланиш имкониятини ўрганиш учун ROC (ROC

– Receiver operating characteristic curve) эгри чизиғи ёрдамида ROC тахлили ўтказилган.




4-расм. CIN-I диагностикасида IL-10 даражасини ROC эгри чизиғи.



5-расм. CIN-I диагностикасида IL-4 даражасининг ROC эгри чизиғи.


